

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТАРИХИ ВА РИВОЖИ БОЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР

Мадреймов Е.Д.

Чимбой тумани ихтисослаштирилган мактаби директори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10966661>

*Аннотация.* Бу мақолада қишлоқ хўжалигини ривож ва истиқболлари тарихи у бойича олиб борилган илимий ишлар тадқиқодлар ҳақида сўз юритилган.

*Калим сўзлар:* Қишлоқ, тадқиқот, хўжалик, соҳа, маҳсулот, сиёсий, иқтисоди.

## STUDIES ON THE HISTORY AND DEVELOPMENT OF AGRICULTURE

*Abstract.* This article talks about the history of the development and prospects of agriculture, the scientific works conducted on it.

*Key words:* Agriculture, research, economy, sector, product, political, economy.

## ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ИСТОРИИ И РАЗВИТИЮ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

*Аннотация.* В данной статье рассказывается об истории развития и перспективах сельского хозяйства, научных работах, проводимых по нему.

*Ключевые слова:* Сельское хозяйство, исследования, экономика, сектор, продукт, политическая, экономика.

Бугунги кунда дунёдаги глобаллашув жараёнлари қишлоқ хўжалигини ривож ва истиқболларига ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ва қишлоқларнинг ривожланиши келгусида инсонларнинг кулай муҳитларда яшаши ва ҳаётини маконини сақлаб қолиши учун ижтимоий-табiiй эволюциянинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Ушбу жараённинг тарихий асосларини тадқиқ қилиш ҳаёт шакллари таназзулига олиб борувчи, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятларига таъсир кўрсатаётган қишлоқ хўжалигининг замонавий ҳолатидан келиб чиқади. Бошқа томондан, озиқ-овқат ресурсларини ишлаб чиқаришнинг чекланиши ва бунинг оқибатида келиб чиқаётган озиқ-овқат инқирози жаҳон иқтисодиётининг ушбу соҳани эволюцияси жараёнида юзага келган муаммоларини қунт билан таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

Дунё миқёсида Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари контекстида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши давлат барқарорлигини таъминловчи омилларидан бири сифатида кўриб чиқилаётганлиги, глобаллашув тенденцияларининг аграр соҳага таъсири, қишлоқ хўжалигининг яхлит манзараси ва унинг ишлаш механизмлари тўғрисида аниқ тасаввурни шакллантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ

хўжалиги иқтисодиётини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги сиёсати механизмларини ўз ичига олган механизмларни шакллантириш ва ҳимоя қилиш асосида стратегияларни ишлаб чиқишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хилма-хиллигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисига маиший ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, пировардида шаҳар ва қишлоқ ҳаёти ўртасида тенглик ўрнатиш каби барқарор ривожланишни таъминлаб беришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, “камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир”. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришишгача бўлган даврдаги қишлоқ хўжалиги бўйича амалга оширилган ишлар ва уларнинг тарихий тажрибасини ўрганиш иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармоғининг мазмун-моҳиятини англаш имконини беради.

Совет даврида қишлоқ хўжалиги мавзуси сиёсий ва иқтисодий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги тарихи ўзбек ва қорақалпоқ олимларининг академик умумлаштирувчи тадқиқотларида, жамоавий монография ва махсус илмий тўпламларда ёритилган. Шунингдек, олимлар томонидан катта ҳажмдаги фактик ва статистик маълумотлар илмий истеъмолга киритилган.

XX аср 50-80 йилларидаги қишлоқ хўжалиги тарихи ва қишлоқ соҳасига оид монографияларда республика қишлоқ хўжалигининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давридаги ривожланиши ёритилган. Шу билан бирга тарихий, иқтисодий хусусиятга эга қатор жамоавий ишларда ҳам мавзуга оид қимматли маълумотлар ўрин олган. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигининг тарихига бағишланган А.Туреев, А.Абдуллаев, Дж.Арзыханов, У.Калниязов, К.Наимовларнинг диссертацияларида эса бу соҳага совет ҳукмрон макурасининг таъсири, партия ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришдаги ролини кўкларга кўтариш кузатилади.

Умуман, ушбу даврда мавзу юзасидан статистик маълумотларни йиғиш ва уларни илмий истеъмолга киритиш бошланган. Бироқ коммунистик мафкураининг ҳукмронлиги, катъий сиёсий цензура натижасида асосан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги “ютуқлар”ни ёритиб беришга эътибор қаратилиб, муаммолар билан боғлиқ масалалар бир томонлама кўриб чиқилган ҳамда соҳага оид сиёсатнинг асл моҳияти ва усуллари, келтириб чиқарган фожевий оқибатлари яширилган. “Қайта қуриш” жараёнининг бошланиши ва

мафкуравий назоратнинг аста-секин заифлашиши билан муаммони ўрганишда ҳам муайян ижобий ўзгаришлар кузатилади. Бу даврда яратилган мавзу билан боғлиқ диссертация, монография шунингдек, жамоавий ишларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожига тўсқинлик қилган омиларни кўрсатиб берувчи, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ва ижтимоий самарадорликнинг паст кўрсаткичлари ва бунинг сабабларини маълум даражада англашга хизмат қилувчи танқидий-ахборот материаллари жамланган.

Бу даврда С.Камолов таҳрири остида тайёрланган йирик умумлашган “Қорақалпоғистон АССР тарихи: қадимдан ҳозирги кунгача” тадқиқоти, К.Сарыбаевнинг монографияси, Я.Абдуллаева, К.Рзаева, А.Таджибаева, М.Мамбетназарова, А.Курбаниязоваларнинг диссертациялари яратилди. Уларда қишлоқ хўжалиги саноати мажмуасини ташкилий-сиёсий жиҳатдан бошқарувидаги қарама-қаршиликлар ёритиб берилган. Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигини суғориш жараёнларининг роли кўрсатиб ўтилган.

Мустақиллик даврида қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳоқимлигини ўрнатилиши, жамоалаштириш фожеаси, қишлоқ ишлаб чиқарувчиларини умумий миллийлаштириш ва арзон ишчи кучига айлантиришга қаратилган “социалистик қишлоқ хўжалигини янгидан қайта қуриш” марксча моделининг зарарини очиб берувчи қишлоқ хўжалиги тарихига оид ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин. “Ўзбекистон янги тарихи” ва бошқа бир қатор йирик умумлашган ишлар ҳам ўрганилаётган муаммонинг хужжатли базасини сезиларли даражада бойитишга, тадқиқотнинг методологик асосларини янгиланишига ёрдам берди.

Мустақиллик эълон қилиниши билан қишлоқ хўжалиги тарихи масалаларини қайта кўриб чиқишга бўлган эътибор ортди. Шу ўринда Қорақалпоғистоннинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XXI асргача бўлган давр тарихига бағишланган фундаментал тадқиқотда Россия империяси ва совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатининг ғоявий устувор йўналишлари кўрсатиб берилган.

В. Шамамбетов, Б. Кошчанов, К. Сарыбаев, Й. Абдуллаева, М. Сарыбаевларнинг тадқиқотларида совет давридаги пахта сиёсатининг экологик вазиятнинг кескинлашувига таъсири, пахта майдонларнинг ўсиб бориш тенденцияси, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аёлларнинг роли очиб берилган. Шу ўринда мавзунини ёритиб беришга сезиларли ҳисса қўшган Қорақалпоғистоннинг бир қатор ёш тадқиқотчиларининг диссертацияларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Н.Дюк, А.Каратницкой, К.Грифин, Ж.Тюрман, Д. Кандиоти, Р.Р.Миклин каби замонавий хориж тадқиқотчилари ишларида Қорақалпоғистоннинг қишлоқ хўжалиги тарихининг масалалари у ёки бу даражада тилга олиб ўтилади. Уларда совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борган сиёсати, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида кескин танқид остига олинган. Хорижий тадқиқотларнинг совет даври тадқиқотларидан ажралиб турувчи фарқли жиҳати – совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борган сиёсатини танқидий жиҳатдан ёритиб берилганлигидадир. Ушбу адабиётларда қишлоқ хўжалигининг ҳақиқий ҳолати ҳолис баҳоланган, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғидаги кўп томонлама хусусиятли жиҳатлар кўрсатиб берилган.

### REFERENCES

1. Нуржанов С., Дошнйазов Ж. Социально-духовное состояние общества Каракалпакстана в 1960-1980-е годы // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. 2011. №4.
2. ҚР МДА, 1-фонд, 8-рўйхат, 430-йиғмажилд, 9-варақ; 322-фонд, 1-рўйхат, 1994-йиғмажилд, 16-варақ
3. ҚР МДА, 322-фонд, 1-рўйхат, 1693-йиғмажилд, 68, 98-варақлар; 1-фонд, 9-рўйхат, 256, 62-варақлар.
4. Maksetbaevich, Otegenov Khakimbay. "Ethnodemographic processes at the headquarters of amudarya on the EVE of the 1916 uprising." *Journal of Critical Reviews* 7.11 (2020): 391-395.
5. Отегенов, Хақимбай. "К оценке восстаний в Хивинском ханстве и Амударьинском отделе в 1916 г." *Каспийский регион: политика, экономика, культура* 2 (59) (2019): 31-36.
6. Отегенов, Хақимбай Максетбаевич. "Восстание 1916 года в Каракалпакстане: общее и особенное." *Перекрёстки истории. Актуальные проблемы исторической науки: материалы XV Международ* (2019): 131.
7. Madreymov E. D. THE POST-WAR STATE OF THE AGRICULTURAL SECTOR OF KARAKALPAKSTAN'S ECONOMY //International conference on multidisciplinary science. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 26-28.

8. Мадреймов, Е. Д. "ҚОРАҚАПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИНИНГ РЕСПУБЛИКА ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ."